

ммоль/л (9,0%) ва 0,54 ммоль/л (25,0 %) га, анорганик фосфори - 0,38 ммоль/л (32,0%) ва 0,50 ммоль/л (42,0 %) га кўпайиши қайд этилди.

Хулоса: 1.Қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитида гольштинлаштирилган қора-ола зотли сигирларда қиш ва эрта баҳор ойларида рацион таркибидаги углеводли озиқаларнинг етишмаслиги оқибатида субклиник кетоз касаллиги ривожланади.

2.Соғин сигирларда субклиник кетоз қондаги эритроцитлар сонини ўртача $4,961 \pm 0,12$ млн/мкл, гемоглобин миқдори $78,8 \pm 3,3$ г/л, глюкозани $1,96 \pm 0,17$ ммоль/л (гипогликемия), каротинни $0,266 \pm 0,27$ мг%, ишқорий заҳирани $39,2 \pm 2,1$ хажм%CO₂ гача, умумий кальций ва анорганик фосфор миқдори $2,19 \pm 0,24$ ва $1,24 \pm 0,31$ ммоль/л гача камайиши билан характерланади.

3.Соғин сигирларда субклиник кетоз касаллигини профилактика қилиш учун рациондаги пахта кунжарасидан 2 кг камайтириб унинг ўрнига 2 кг лавлаги ва 1 кг ўстирилган буғдой майсасини қўшиш ҳамда таркиби: 50 г монокальцийфосфат, 50 г магний сульфат, 50 г натрий бикарбонат, 5 г оксафенамид ва 2,4 г калий йодид, 125000 ХБ Микровит А, 50000 ХБ Видеин Дз, 100 мг Гранувит Е дан ибораг озиқа аралашмасини омикта емга қўшиб бериш хайвонларда клиник-физиологик кўрсаткичларни меъёрлар даражасида яхшиланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётар:

- 1.Ллисв А.А. Обмен веществ у жвачных животных /А.А.Алиев. «Инженер», 1997. - 418с.
- 2.Батанова О.В. Содержание кетоновых тел и тиреоидных гормонов в крови коров при кетозе // Журнал Ветеринария, 2008. - № 2. - С.43-44.
- 3.Влизло В.В. Нерациональное кормление коров причина возникновения кетозу // Международная конференция: Украина в мировом земельном, продовольственном и кормовых ресурсах и экономических отношениях.- Виица: Аграрная мысль, 1995. - С. 544.
4. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренних болезней животных. М.: Изд. ООО «Аквариум-Принт», 2005. -С. 652-664.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН АСАЛНИ ТАБИЙЛИГИНИ АНИҚЛАШ

З.А.Муртазаева магистрант, С.М. Муродов– d.ф.н., доцент

Аннотация. Ўзбекистон ҳудудида етиштирилаётган барча турдаги асаллар энг аввало табиий ҳолатда бўлишлиги билан биргаликда унинг таркибида антибиотикларни қолдигини бўлиши қонун бўйича мумкин эмас. Манна шулар эътиборга олган ҳолда фермер хўжаликларида етиштирилаётган асалнинг барчасини табиийлиги органолептик ва лаборатория усуллари ёрдамида аниқланиши лозим.

Калит сўзлар: рефрактометр, ареометр, диастаза.

Асални таркибида одам организми учун керакли бўлган 100 ортиқ керакли моддалар мавжуд бўлиб бу моддалар одамларга шифобахт кайфият беради. Асаларичиликни ўрганиш кўп асрлардан бери давом этиб келмоқда. Бу соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга ҳозирги кунда президентимиз катта эътибор бермоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ҳудудининг жойларида асаларичилик яхши ривожланмоқда. С.Муродов томонидан асални таркибини 80 балли системада эмас, балки 100 балли системада баҳолашни тавсия этган. Бунда асалнинг таъми ва ҳушбўйлигига, 60 балл тури ва консистенциясига 20 балл, рангига 10 балл, идишнинг сифатига 10 балл берилишлиги тавсия этилган.

Режа асосида биз томондан танланган мавзу бўйича бажариладиган ишларнинг барчаси Темирйўл деҳқон бозоридаги ветсанэкспертиза лабораториясида ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Ветеринария факултетидаги Ҳайвонлар касалликлари ва паразитология кафедраси лабораториясида амалга оширилди. Асални текшириш учун биринчи навбатда 10 хилдаги асалдан ўртача 200,0 чамасида намуна олинди, олинган

намуналар органолептик ва лаборатория усулларида ҳар томонлама синчиклаб текширилди ва керакли натижалар олинди.

Асални органолептик текширишдан олинган натижалар

1-жадвал

Намуналар	Асални хиди	Асални консис	Асални ранги	Асални хушбуйлиги	Асални таъми
1-намуна	ўзига хос	қаттиқ	сарик	хушбуй	ширин
2-намуна	ўзига хос	қуюқ	оқ	хушбуй	ширин
3-намуна	ўзига хос	суюқ	оқ	хушбуй	ширин
4-намуна	ўзига хос	қаттиқ	сарик	хушбуй	ширин
5-намуна	ўзига хос	қаттиқ	оқ	хушбуй	ширин
6-намуна	ўзига хос	суюқ	сарик	хушбуй	ширин
7-намуна	ўзига хос	юмшоқ	оқ	хушбуйлиги аниқ сезилмади	ширин
8-намуна	ўзига хос	юмшоқ	оқ	хушбуй	ширин
9-намуна	ўзига хос	қаттиқ	сарик	хушбуй	ширин
10-намуна	ўзига хос	суюқ	сарик	хушбуй	ширин

Биз томондан ўтказилган текширишдан шундай хулоса қилиш мумкин, яъни фақатгина 7-намунада асални хушбуйлиги яхши сезилмади. Бу шундан далолат беради, яъни асални таркиби қисман бўлсада сохталаштирилган, қолган барча намуналарни органолептик курсаткичлари талаб даражасида эканлиги аниқланди. Бизга маълумки кўпчилик ҳолатларда асал ўзини табиийлигини йўқотади, чунки асал турли усулларда фалсификация қилинади. Нордон ва аччиқ таъмли асалларни сотишга чиқариш ман этилади.

Асалдаги турли хилдаги аралашмаларни аниқлаш

2-жадвал

Асал намуналари	Цилиндр ичидаги асал эритмасини тиниқлиги	Тўр сеткадан ўтмай қолган қисмлари
1-намуна	тиниқ, чўкмасиз	асалари личинкаси
2-намуна	тиниқ, чўкмасиз	асалари қаноти
3-намуна	тиниқ, чўкмасиз	қаноти
4-намуна	тиниқ, чўкмасиз	танаси
5-намуна	тиниқ, чўкмасиз	танаси
6-намуна	тиниқ, чўкмасиз	оёқлари
7-намуна	тиниқ, чўкмали	танаси
8-намуна	тиниқ	йўқ
9-намуна	тиниқ	йўқ
10-намуна	тиниқ	йўқ

Таҷриба жараёнида 10 та намунаси текширилди, шундан 3, 4, 5, 6 ва 9 намуналарда ҳеч қандай ёт нарсалар топилмади, яъни асли барчаси тур сеткадан яхши ўтди. Бизга маълумки агарда тўр сеткада турли хилдаги аралашмалар бўлганда улар тозаланиб кейин сотишга руҳсат этилади. Бундан ташқари 7-намунада цилиндр тагида қисман чўкма ҳосил қилди, бу кўрсаткич асални сохталаштирилганлигини билдиради.

Асалдаги сув миқдорини ареометр ёрдамида аниқлаш

3-жадвал

Намуналар	Асалдаги сув миқдори	Асалдаги қуруқ
-----------	----------------------	----------------

		қолдик
1-намуна	21	78,21
2-намуна	21	78,21
3-намуна	21	78,21
4-намуна	21	78,21
5-намуна	21	78,21
6-намуна	20	78,21
7-намуна	24	72,21
8-намуна	20	78,21
9-намуна	20	78,21
10-намуна	20	78,21

Биз томондан текширилган 10 та намуналаридан 7- намунада куруқ қолдик сув кўплиги туфайли 72,21% камайганлиги аниқланди.

Ўсимлик ширасидан йиғиштирилган асални аниқлаш органолептик текшириш

4-жадвал

Асал намуналари	Асални ранги	Асални хиди	Асални хушбуйлиги	Асални таъми
1-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин
2-намуна	оқ-сарғишт	ўзига хос	хушбуй	ширин
3-намуна	оқ пахта рангида	ўзига хос	хушбуй	ширин
4-намуна	тиник сариқ	ёқимсиз	сезилмади	ширин
5-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин
6-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин
7-намуна	тиник эмас	ёқимсиз	сезилмади	ширин
8-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин
9-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин
10-намуна	оқ	ўзига хос	хушбуй	ширин

Тажриба жараёнида жами бўлиб 10 та асал намуналари текширилганда 4 ва 7-намуналарни шира асали эканлиги аниқланди. Бу тўғрида тўлароқ маълумотга эга бўлиш учун биз лаборатория усулида ҳам бу намуналарни текшириб кўрдик ва қуйидаги натижаларни олдик.

Хулосалар

1. Деҳқон бозорларига сотиш учун киритилган барча турдаги асаллар тўлиғича органолептик ва лаборатория текширишдан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон ҳудудида етиштирилаётган асалари асали икки хилда бўлиб табиий ва шира асалига бўлинади. Бу асаларни сотишдан олдин табиийлиги аниқланиб идишлари муҳирланиши керак. Лекин кўпчилик ҳолатларда сотилаётган асалари эгаларида тўлиғича маълумот йўқ. Табиий асал шира асалига қўшилиб сотилаётган ҳоллар ҳам биз томондан аниқланди ва керакли натижалар олинди.
2. Сотилаётган асални табиийлигини аниқлаш учун биз томондан диастаза ферментини фаоллиги аниқланди. Ўзбекистон ҳудудида етиштирилаётган барча турдаги асалларда диастаза сони ўндан кам бўлмаслиги керак. Тажриба жараёнида кўпчилик асалларида диастаза сонини ўндан камлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.М.Муродов. Чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотларининг ветсанэкспертизаси ва технология асослари. Қўлланма Самарқанд 1992 й.

2. С.М.Муродов. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ветсанэкспертизаси, қайта ишлаш технология асослари ва станадартизацияси. Қўлланма. Самарқанд 1997 йил.
3. С.М.Муродов. Ветеринария–санитария экспертизаси. Дарслик. Самарқанд 2006 йил.
Муродов С.М. ва бошқалар. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Ветеринария-санитария экспертизаси, қайта ишлаш технологияси, гигиенаси ва стандартизацияси» Дарслик - 2013 йил.